

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Таълим

ЎРГАНИБ, ИЗЛАНМОҚ БАХТИ

Пискент агросаноат ва иқтисодийёт касб-хунар коллежида ўқиш-га талабгорлар кўп. Бу бежиз эмас. Туманда коллеж тайёрлаётган мутахассисларга талаб катта, уларга доим иш топилади.

Коллеж нафақат туман, балки вилоятда ўзига хос салоҳиятга эга. Япониялик мутахассислар Ўзбекистондаги таълим масканлари билан ҳамкорлик қилиш учун айнан мана шу коллежни танлашди. Бундан ўн йил илгари JBIS банкининг USB-P6 лойиҳаси доирасидаги грант маблағи ҳисобига лаборатория, устахона, физика, география, компьютер, рус ва инглиз тили, лингафон ва офис хоналари тўлиқ жиҳозланди. Ўқувчилар назарий ва амалий билимларни пухта эгаллашлари учун яна бир қулайлик яратилди. Лойиҳа доирасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш мини цехи қурилди. Ҳозир цехда томат пастаси, кетчуп, ҳар хил шарбат ва қиёмлар тайёрланмоқда. Яқинда эса, ўқувчилар қуюлтирилган ширин сут ишлаб чиқариш ғоясини таклиф этишди. Технологик линиядан илк маҳсулот ҳам чиқди.

– Ҳозир коллежда 1407 ўқувчи 8 та мутахассислик бўйича таҳсил олмоқда, – деди директор Те-



мур Азаматов. – Ўқувчиларимизнинг назарий билим олиш билан бирга амалиётда ҳам кўзлари пишяпти. Мини цехда ўзларини бўлажак мутахассис сифатида синаб кўриш имкони бор. Биз Президентимиз таъкидлаганларидек, мамлакатимизнинг эртанги ворислари кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишларини таъминла-

шимиз керак.

Ўқувчиларнинг қизиқишларини эътиборга олиб ҳамда дарсдан ташқари бўш вақтларини тўғри ташкил этиш мақсадида коллежда 15 та фан, мутахассислик ва спорт тўғраги ишлаб турибди. Турли фанлар бўйича ўтказилган олимпиадаларнинг туман ва вилоят босқичларида коллеж ўқувчилари фахрли ўринларни эгаллашади.

Ахборот-ресурс маркази доим ўқувчилар билан гавжум бўлади. Марказ 6 мингдан зиёд китоб фондига эга. Бу ерда турли адабиёт ва дарсликлардан ташқари, электрон китоблардан ҳам фойдаланиш мумкин. Шунингдек, коллеж ўқувчилари "В" ва "С" тоифа ҳайдовчилик курсларида имтиёзли ўқитилади.

Коллеж ўқувчилари

спорт соҳасида ҳам анча фаол. Охирги дарсга кўнғирок чалинган, улар футбол, волейбол, баскетбол майдонлари ва спорт залига ошиқишади.

Хуришда МЎМИНОВА.

СУРАТДА: коллеж ўқувчилари ишлаб чиқариш цехида назарий билимларини мустаҳкамлашмоқда.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Наврўз тадориғи

УЙҒОНИНГ, БАҲОР КЕЛДИ!

*Ичиб бўлагач понуштанинг чойини,
Ўғлим деди кияр экан пойини:
– Кўрсатсангиз ҳовлидаги жойини,
Юринг ота, бир жуфт кўчат экайлик!*

*Хурсанд бўлдим, кўриб йигит шаштини,
Пайқабди у баҳорнинг чин гаштини,
Боғ қиламиз ҳовлимизнинг пастини,
Ҳар биримиз бугун кўчат экайлик!*

*Қалдирғочлар эски уйин таъмирлар,
Чумоли ҳам кифтида юк, ғимирлар,
Туринг қўшини, кўкларда ким имилар?
Кўчамизда бирга кўчат экайлик!*

*Бошландику эрта Наврўз яллasi,
Ободликнинг ҳозир айни палласи,
Ўртак бўлсин, озод юрт маҳалласи,
Маҳалладош, юринг, кўчат экайлик!*

*Қиш чекиниб, баҳор келди ниҳоят,
Шу баҳона кўпайса боғлар шояд,
Уйғонсинда қишлоқ, шаҳар, вилоят,
Юринг юртдош, бир жуфт кўчат экайлик!*

Тўнғич БЕК.

КЎКЛАМ, СЕНИ ЖУДА СОҒИНДИК

Бекатда беш-олти киши турувдик. Ҳамма ўз автобусини кутаяпти. Бир бола келиб, елкасидаги 30 тупча мевали дарахт кўчатларини ерга қўйди, чуқур уф тортади. Ҳамма унга қаради.

– Баҳор ҳам келди-я, – деди ўрта яшар киши кўчатлардан кўз узмай.
– Шунча кўчатни қаерга олиб кетаяпсан, сотишгми? – деди бир қария.
– Йўқ, уйга, бобом тайинлаганлар, бирга кўчат экамиз, – жавоб берди бола.

“Бобом билан кўчат экамиз”. Бу гап мени сер-

гаклантирди. Кўчатларга қараб, олти йил аввалги бир воқеа хотирамда жонланди. 90 ёшли Қаюмбой ота ҳақида мақола ёзиш учун хонадонида бўлгандик. У ҳовлисининг чеккасида, қўлида теша билан чуқур кавлаётганди. Бир оёғи йўқ, урушда ташлаб келган.

(Давоми 2-бетда).

«Ташаббус – 2014»

ҲОЛИБЛАР – ВИЛОЯТ БОСҚИЧИГА

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган "Ташаббус" кўрик-танловининг Тошкент вилояти шаҳар ва туман босқичлари бўлиб ўтмоқда. Танловнинг Паркент тумани босқичида 31 нафар тadbиркор, фермер ва хунарманд иштирок этди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тadbир-да Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик ҳамда фермерлик ҳаракатини янада

ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиладигани таъкидланди.

"Бахт" фермер хўжалиги ва "Анка" масъулияти чекланган жамияти раҳбарлари "Энг

яхши фермер" ва "Энг яхши тadbиркор", хунарманд Зулҳумор Эрмамова эса "Энг яхши хунарманд" деб топилиб, танловнинг вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам мазкур кўрик-танлов бўлиб ўтмоқда.

ЎЗА.

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди



Зангиота туманига бораётгандик, автобусдаги икки аёлнинг суҳбати қўлоғимизга чалинди:

– Боламнинг олаётган билимидан қониқмаяпман, бунинг устига мактабдаги шароитлар ҳам яхшимас, бошқа мактабга ўтказсаммикан, деб ўйлаб қолдим.

– Нимасини айтасиз, қўшини. Шу 37-мактаб ёнгинамиздалигини айтмаса, камчилиги кўп...

Назарбек қишлоғи "Мевазор" маҳалласидаги 37-мактаб бир қарашда анча ободонлаштирилган кўринадди. Аммо атрофни бироз айланиб, автобусдаги икки аёл бекорга қуюнишмаганига амин бўлдик.

Ўқувчиларнинг давомати билан қизиқдик. Деярли ҳар бир синфда дарсга келмаганлар бор. Масалан, 6-"А" синфда 2, 6-"Б" синфда 4 ўқувчи шу кунни мактабга келмаган бўлса, 5-"А" синфда 6 ўқувчи дарс қолдирган. Баъзи ўқитувчилар давомад дафтарини тўлдирмаган ҳам.

Тушгача 212, тушдан сўнг 188 ўқувчи ўқиши ҳисобга олин-

май қурилган шекилли, ҳожатхона анча чоғроқ. Устига-устак қўл ювиш учун сув йўқ. Дард устига чипқон деганларидек, мактабда тиббиёт хонаси ўрнига шунчаки, тиббий бурчак ташкил этилган.

– Яқинда ҳожатхона қуришни мўлжалляпмиз, – деди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Шухрат Сафаров.

"Яқинда" деганда қанча муддат назарда тутилганини билмадиг-у, ҳар қалай, ўқувчилар санитария ва гигиена қоидаларига жавоб берадиган шароитда таълим олишса яхши-да. Мактабнинг ички йўлаклари

ҲАҒСАЛАСИЗЛИК

бўйлаб бораётиб, деворлардаги эълону маълумотлар тахта-ларига кўзимиз тушди. Лекин улардан ҳеч бир маълумот ололмайсиз. Мактаб маъмурияти "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашининг тақомиллаштирилган тўлимини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарор ва "Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги Қонун борлигини билишар экан-у, лекин уларнинг мазмун-моҳияти билан таниш эмаслар чоғи. Бу тахталар ҳам бўм-бўш. "Ҳаётинг ўз қўлингда" ва "Мактаб ҳаёти"-дан ҳикоя қилувчи бўлимда ҳам жўяли маълумот топилмайдди.

Айниқса, "Бизнинг аълочиларимиз" деб номланган тахтага

бирон ўқувчининг сурати қўйилмаганидан жуда ажабландик. Қизик, мактабда аълочи ва намунали ўқувчининг ўзи йўқми? Таълим ва тарбия жараёни шу даражада сустми? Ёки бу оддий ҳафсаласизликми?

Мактабда фаоллар хонаси ва спорт зали йўқ. Бино иситилмади, шунга қарамай, ўқитувчилар қалин устки кийимлардан дарс ўтаяпти. Компьютер хонаси билан танишмоқчи эдик. Лекин мактабдагилар ҳар қанча қидиришса ҳамки, хонанинг қалитини топа олишмади. Нима, мактабда компьютер саводхонлиги дарслари ўтилмайдими?

қийёти ва халқимиз турмуш тарзи яхшиланишида муҳим роль ўйнайди, албатта. Айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунлар ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди. Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси амалга оширган ишлар билан атрофлича танишиш мақсадида қўмита аъзоларини суҳбатга жалб этдик.

СЕНАТ:

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ҲАОЛИЯТ САРҲИСОБИ

Светлана ОРТИҚОВА,
Олий Мажлис
Сенатининг
Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари
қўмитаси раиси:
– Бугун мамлакатимиз

кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан дадил одимламоқда. Бунда истиқлолимизнинг илк дамлариданоқ Президентимиз раҳнамолигида давлат ҳоки-

мияти ва бошқарувини ташкил этиш ва белгилаб олинган тамойиллар асосида иш юритилаётгани муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

2014 йил – Соғлом бола йили

БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР ВОРИСЛАР

2014 йилнинг Президентимиз ташаббуси билан "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши ва унинг асосий мазмун-моҳиятини белгилловчи Давлат дастурининг қабул қилинишини халқимиз катта мамнуният билан кутиб олди.

Давлатимиз мустақилликка эришган илк дамларданоқ баркамол авлодини тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди. Шу йиллар мобайнида эртаимиз давомчилари замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллашлари учун муноши шароитлар яратиш, иш билан таъминлаш ва тadbиркорликка йўл очиш, шунингдек, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш каби долзарб, шу билан бирга қўламли вазифаларни кўзда тутувчи дастурлар изчил рўйбга чиқарилаётир. Юксак маънавиятли,

мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий нуқтаи назар, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга бўлган ватанпарвар йигит-қизларнинг янги, нақирон авлоди вояга етди.

Бу ҳақда гап борганда, Президентимиз илгари сурган "Соғлом она – соғлом бола" тамойили ҳаётимизга чуқур кириб, ўзининг самараларини бераётганини таъкидлаш жоиз. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда оналар ўлими 3,1 баробар, гўдақлар ўлими 3,2 баробар, шунингдек, "Она ва бола скрининги" дастури шарофати билан турма нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилдан буён 1,8 марта камайгани шундан далолат беради. Бугунги кунда фарзандларимизнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари

бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. "Save the children" халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп гамхўрлик кўрсатадиган ўрта мамлакат қаторидан жой олди.

Президентимизнинг соғлиқни сақлаш, хусусан, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган Фармон ва қарорлари туфайли юртимизнинг барча ҳудудлари қатори вилоятимизда ҳам она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари самарали фаолият юритмоқда. Қишлоқ жойлардаги ҳомиладор аёллар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан зарур дармондорилар билан таъминланаётир. Икки ёшгача бўлган болаларни бепул эмлаш тизими йўлга қўйилган. Бу ўз навбатида ижтимоий ҳавфли касалликларни бутунлай бартараф этиш имконини берди.

(Давоми 2-бетда).



2014 йил – Соғлом бола йили



БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР ВОРИСЛАР

– Вилоятимизда 14 ёшгача бўлган болалар йилига икки марта, туғиш ёшидаги аёллар эса ҳар йили чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтмоқда, – дейди соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Юлдуз Эшонов. – Бу каби хайрли ишлар Президентимиз тасдиқлаган “Соғлом бола йили” Давлат дастури тўғрисида янада кенг қўлам касб этиши қувонарлидир. Хусусан, ушбу ҳужжатда бу йил соғлом фарзандлар туғилиши ва уларнинг саломатлигини мустахкамлаш учун шарт-шароитларни янада яхшилаш, кўп тармоқли болалар марказини қуриш ва уни ноёб тиббий ускуналар билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

Бугун вилоятимиз аҳолисига 65 шифохона, 320 дан ортиқ амбулатория-поликлиника муассасалари, шу жумладан, 263 кишлоқ врачлик пункти малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Бу ишга қарийб 5200 шифокор, 30 мингдан зиёд ўрта тиббиёт ходимлари бел боғлашган. Давлатимизнинг юксак эътибор ва ғамхўрлиги билан шифо муассасаларимиз бутунлай қайта таъмирланиб, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланаётгани, шифокор ва ўрта бўғин тиббиёт ходимларининг касб малакасини ошириш доимий эътиборда бўлаётгани кўрса-

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мустаҳкам қонунчилик базаси табиийки, мамлакат пойдеворининг мустаҳкамлигига хизмат қилади. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган икки палатали парламент самарали фаолият юритмоқда. Парламентнинг ҳар иккала палатасида мустаҳкам қонунчилик базасини яратиш устида изчил иш олиб бориляпти. Партиялар фракциялари ўртасида соғлом рақобат кучайиб, қабул қилинаётган ҳар бир қонун жиддий баҳслардан сўнг овозга қўйилаётгани парламентда профессионал қонун ижодкорлари жамланганини билдиради.

Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва судхуқуқ масалалари қўмитаси ўтган йили қатор қонун ва қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунарни қўриб чиқди.

Эркин РЎЗМЕТОВ, қўмитада доимий ишловчи сенатор:
– Ҳақиқатан ҳам қабул қилинаётган қонунлар қўмита аъзолари иштирокидаги ишчи гуруҳи мажлисларида бир неча марта қўриб чиқилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажлиси муҳокамасига киритиш учун Сенат Кенгашига тақдим этилади.

Қўмита фаолияти Президентимизнинг парламент ва маҳаллий вакиллик органлари олдидан турган ғоят муҳим вазифа, қабул қилинган қонунларнинг марказда ҳукумат, жойларда ҳокимликлар қандай бажараётганини устидан қатъий парламент ҳамда депутатлик назоратини ўрнатишдан иборат-

(Давоми. Боши 1-бетда).

тилаётган тиббий хизмат сифатининг муттасил яхшиланиб боришида муҳим омил бўлаяпти.

Мана бир неча йилдирки, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги мамлакатимизнинг барча ҳудудларида анъанавий тарзда ўтказиётган “Саломатлик ҳафталиклари” бу борада муҳим аҳамиёт касб этаётир. “Ҳеч қим меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остидаги мазкур ҳафталик тиббий кўрикларда катта тажриба ва малакага эга бўлган шифокорлар иштирок этмоқдалар. Улар ҳар бир туман шифохоналари ёки кишлоқ врачлик пунктларининг ўзида беморларга аниқ ташхис қўйиб, самарали даволаш бўйича керакли тавсия ва йўл-йўриқлар бермоқдалар. Заруратга қараб, айрим беморларга пойтахтдаги ихтисослаштирилган тиббиёт марказларида даволаниш учун бепул йўлланмалар ажратилмоқда.

Яқинда Юқори Чирчиқ туманида ташкил этилган шундай тадбирда қўллаб-қувватловчи ўзларини ўйлантираётган саволларга жавоб олиш бариборида соғлиқларини тиклаш борасида ҳам қўлай имкониятларга эга бўлдилар. Малакали мутахассислар оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, эрта турмуш қуришнинг аянчли оқибатлари, юқумли касал-

ликларнинг олдини олиш каби мавзуларда ёшлар иштирокида дилдан суҳбатлашишди.

– Бундай тадбирлар биз, кишлоқ аҳли учун айни мудоа бўлди, – дейди нафақахўр К. Бегматова. – Шу баҳонада набирамиз Ихтиёржонни малакали шифокорларга кўрсатдик. Негаки, бир неча тиббий муолажаларга қарамай, унинг кўл-оёқларидаги оғриқ йўқолмаётганди. Шифокорларга раҳмат, кичкинтойимизни текширувдан ўтказиб, бир зумда аниқ ташхис қўйишди. Даволаниш учун йўл-йўриқ ва тавсиялар олдик. Айниқса, набирамизни жисмоний тарбия ва спортнинг махсус турларига жалб этиш, шунингдек, укалар орқали даволаш борасида берган тавсиялари бизга ғоят маъқул бўлди.

Соғлом авлод – бебаҳо бойлик. Тиббиёт соҳасидаги кенг қўламли ислохотлардан қўлланган пировад мақсад ҳалқимиз саломатлигини сақлаш, эртамиз эгалари бўлган ёш авлодни ҳар тарафлама соғлом, бақувват ва баркамол қилиб вояга етказиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилгандир. Бу мақсадни давлатимиз раҳбарининг: “Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади” деган сўзлари ҳам теран ифодалайди.

ШУҚУР МУРОДОВ.

юзасидан тегишли давлат органларига тавсиялар юборилди.

Сайёра БАРАТОВА, қўмита аъзоси, Юқори Чирчиқ тумани кўп тармоқли марказий поликлиника мудири:
– Бугун барчамизни ташвишга солаётган муамло – ёшлар тарбиясидаги. Хориждан кириб келаётган менталитетимизга ёт оммавий маданият никоҳи

СЕНАТ:

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИ

ликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Қорақалпоғистон Республикасидаги ижроси назорат-таҳлил тартибида ўрганиб чиқилди. Шунингдек, “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Андижон вилоятида ижро этилиши ҳамда Тошкент вилоятида Халқ депутатлари вилоят Кенгаши билан биргаликда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ёшлар ўртасида ҳуқуқбузаришларнинг олдини олиш, ғийҳвандликка, одам савдоси ва бошқа иллатларга қарши курашнинг аҳоли ўрганилиб, қўмита ва Халқ депутатлари вилоят Кенгашлари қўшма мажлисларида муҳокама этилди ва йўл қўйилаётган камчиликлар

остидаги иллатлардан уларни асраш ҳар биримизнинг вазифамиз бўлмоғи керак. Буни фақат мактаб, коллеж ва лицей мутасаддилари зиммасига юклаб қўйишнинг ўзи катта хато. Биринчи навбатда, оилада ота-она, жойларда маҳалла фарзандларимизнинг энг яқин маслаҳатчисига айланиши зарур. Бугун жамиятимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти тўла-тўқис шаклланди, деб айта оламиз.

Биз доимо халқ ичида юриб, уларнинг ташвишлари билан танишишга ҳаракат қиламиз. Қонун йўли билан мавжуд камчиликларни бартараф этишга қўмаклашамиз. 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлиги Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия билан биргаликда жойларда “Вояга етмаганларнинг

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш: амалиёт ва истиқболлар” мавзуида семинар ўтказилди. Бундан ташқари, “Маҳалла – жамият фаровонлиги ва ободончилигининг муҳим омил” мавзуида маҳаллаларда сайловчилар билан учрашувларда мамлакатимизда қонунчилик тобора тақомиллашаётгани, ҳар бир фуқаро ҳаёти уларда ўз аксини топаётгани, қонун

хатти-ҳаракатлари ёки қарорлари устидан шикоят қилинаётган орган ёки мансабдор шахсининг ушбу муножаатни қўриб чиқишига йўл қўйилмаслиги белгиланган бўлса-да, амалиётда бундай ҳоллар ҳамон учраб турибди, бу эса фуқароларнинг муножаатлари ноҳолис қўриб чиқилиши ва нотўғри ҳал қилинишига олиб келмоқда.

Ўтган йил давомида қўмитага фуқаролардан 7047 та ариза ва шикоят тушди. Уларнинг таҳлили жойларда давлат органлари айрим ходимларининг ҳуқуқий саводхонлиги етарли эмаслиги, айрим раҳбарлар ҳамда мансабдор шахсларнинг қонун нормалари ва талабларига эътиборсиз экани, фуқароларнинг муножаатларини қўриб чиқишга юзакли ёндашув давом этаётганини кўрсатди. Айниқса, ушбу муножаатларда кўтарилган масалаларнинг аксариятини вилоят, шаҳар ва туманининг ўзида ҳал этиш мумкинлигини қўриб, ўйланга қоласан киши.

“Отанга бор, онанга бор”, деб уларни оворасарсон қилишдан қимга фойда-ю, қимга зарар? Ваҳоланки, фуқароларнинг арзини тинглаш, муаммоларини ечишга ёрдам бериш, аҳолидан ҳа-

бардор бўлиш ҳар биримизнинг халқ олдидagi муқаддас бурчимиз эмасми?

Светлана ОРТИҚОВА:
– Бу йил баҳариларида вазифаларимиз янада салмоқли. Чунки, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тақомиллаштириш” мавзуидаги илмий-амалий конференцияга тайёргарлик қўриляпти. Шунингдек, йил давомида Ўзбекистон Республикаси Бosh прокурорининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга оид амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг ҳолати ва уни янада кучайтириш чоралари тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2013 йилдаги фаолияти ҳамда Адлия вазирининг давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмаларида қонунлар ижроси тўғрисидаги ахборотлари, “Амнистия қўланилиши устидан жамоатчилик назоратининг конституциявий асослари: амалиёт ва самарадорлик” мавзуида илмий-амалий конференция “Хабеас корпус” институти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини тақомиллаштириш” мавзуида давра суҳбати ўтказиш белгиланган.

Бир сўз билан айтганда, қўмитамиз 2013 йилда амалга оширган ишлар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий тараққиётида муҳим ўрин эгаллайди. Бинобарин, олдимизда қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳам бундан мустасно эмас.

Сўхбатни Жобир ХЎЖАҚУЛОВ ёзиб олди.

ЭНГ ЯХШИ МЕРОС

Оилада фарзанд дунёга келди. Ёш эр-хотин ўзида йўқ хурсанд. Бир-бирига ҳар қачонгидан кўра меҳр-муҳаббатли, илгари ҳеч кўрилмаган, ҳис этилмаган даражада руҳан яқин, во-баста. Чунки, миттигина вужуд бир олам қувонч, файзу футуҳ

олиб келди оилага. Хонадон соҳибларига эса энг тотли ва тенгсиз саодат – ота-оналик мақомини бахш этди. Дарҳақиқат, фарзанд – дунё ҳаётининг зийнати, Яратган ато этган неъматларнинг энг буюғи, энг суюмлиси-сидир.

Айни чоғда, бир олам қувонч олиб келган митти вужуднинг бир олам ташвиши, улкан масъулияти ҳам бор...

Дунёга келган мурғак фарзанд, табиийки, ота-она тарбиясига, қаровига муҳтождир. Боланинг тийрак, соғлом бўлиб вояга етиши дунёга келган дастлабки кунлардан-ноқ тўғри овқатлантириш, вақтида ювиб-тараш, иссиқ-совуқдан эҳтиётлаш, тоза хаводан, қуёш нуридан баҳраманд этиш каби нозик юмушларнинг қандай оқилона бажарилишига боғлиқдир. Фитрат домланинг “Оила” рисо-ласида шундай уқтирилади: “Модомики, илоҳий ҳикмат ила она кўкрагида сут пайдо бўлар экан,

бола учун она сутидан яхшироқ таом бўлмайди. Она сутининг таркиби ва сифати гўдак мижозига мувофиқдир. Шунинг учун она сутини эмаётган бола тез ва яхши ўсади...” Бу ҳақда Пайғамбаримиз (с.а.в)дан ривоят қилинган ҳадислар ҳам борки, ёш оналар фарзандларини эмизишдан оғринмасликлари, боланинг меъдасига оғир ботадиغان бўлар-бўлмас сунъий озуқаларга ружу қўймасликлари лозим.

Тарбия масаласи моҳиятан уч турга бўлинади. Бадан тарбияси, ақлий ва ахлоқий тарбия. Маълум пайтгача, аниқроғи бола кўкрақдан ажралгунча бўлган муддат – бадан тарбияси даври

ҳисобланади. Кейин эса тарбиянинг ҳар уч тури тенг олиб борилиши лозим. Болаимиз ҳали ёш, эсини танигач, кейин ахлоқий тарбияни бошлаймиз дейиш тўғри эмас. Кўпинча, ёш ота-оналар фарзандларини дуркун, соғлом ўсаётганидан қувониб, хотиржамликка бериладилар. Асосий нарсани унутадилар. Ақл ва ахлоқ тарбиясида кеч-кичиш, ҳамма нарсани аввал бошданок бой беришдир.

Муҳтарам Президентимиз 2014 йилни “Соғлом бола йили” деб номлашни таклиф қилар экан: “Биз соғлом деганда, нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом болани ўзимизга

тасаввур этамиз”, дея алоҳида таъкидладилар. Дарҳақиқат, жисмонан соғломлик, бу ҳали етуклик эмас.

Яқин танишим ҳаётида рўй берган бир ҳолатни мисол келтириб ўтсам: ўзига тўқ оилада дунёга келган бола гўдаклигидан яхши парваришланди. Ёб-ичишдан камлик кўрмади. Яхши кийинтирилди. Спорт тўғралақларига берилиб, моҳир устозлар тайинланди. Ва кўрса кўргулик бар-васта қомат, хушсуврат бўлиб камолга етди. Аммо, ахлоқ-одоб, шарқона маданият неъматларидан бебаҳра ўсгани сабаб, рисоладаги инсонга айлана олмади. Ўз шақлу шамойилига, куч-қуввати ва маҳоратига маҳлиё бўлиб, ўзгалар туғул, ўз ота-онасига ҳам беписанд бир назарда қарашни одат қилди. Худбинлик кишини чоғга етказлайди. У майхўрлик, на-шавандликка берилиб. Безорилик кўчасига кирди. Уни бу йўлдан қайтаришнинг иложи бўлмади.

Оқибатда эса отасини калтаклаб, майиб-мажруҳ қилди ва икки дунёсини ҳам бой берди.

Ўзал ахлоқ-одоб ҳам киши саломатлигида катта ўрин тутайди. Айтилик тарбияли, ахлоқли бола майхўрлик, бангилик каби иллатлар яқинига йўламайди. Ейиш-ичишда меъёр сақлайди, баднафслик қилмайди. Демак, соғлиғига зарар етказмайди. Ахлоқли спортчи ўз жисмоний маҳорати, куч-қувватига эрк бериб, безорилик кўчасига кирмайди, бошқалар тинчлигини бузмайди.

Имом ат-Термизий ҳазратларининг Расули акрам (с.а.в)дан қилган ривоятларида: “Ота ўз фарзандига чиройли тарбиядан яхшироқ мерос қолдиrolмайдиган”, дея марҳамат қилинади. Чиройли тарбия эса, табиийки, аҳли донишлар таъкидлаганидек, жисмоний, ақлий ва ахлоқий жиҳатларни ўзида муҷас-самлаштирадиган амалга ошади

Қурбонали ТУРСУНОВ, вилоят бош имом-хатиби.

Наврўз тадориғи



КЎКЛАМ, СЕНИ ЖУДА СОҒИНДИК

– Нима қиляпсиз, ота?
– Манави новдаларни экангандим. Бу йил томир олса, келаси йили тоқ қаторига ўтказарман.

90 ёшли қарияга кўчат экишдан нима наф, деган фикр ҳаёлимдан ўтди. Отахоннинг кейинги сўзини эшитиб, ўз фикримдан ўзим уялдим. Ўшанда отахон: “Мевасини биз емасак, набиралар ейдилар”, деганди.

Яқинда кўчада отахоннинг кичик ўғли Исроилни учратиб қолдим. Охи-рати ошад бўлсин, отахон вафот этибди. Таъзия билдириб, ўша тоқ кўчатларини суриштирдим. – Отам келаси йили тоқ кўчатларини набиралари билан тоқзорга ўтказди. Уч йилда ҳаммаси ҳосилга кирди. Биринчи ҳосилини қўни-қўшниларга улашди. Жуда мазали нав экан, ҳаммамиз баҳраманд бўляпмиз...

Кўчат қўтарган боладан бобоси ҳақида сўрамоқчи бўлдим-у, улғурмадим. У бекатда тўхтаган автобусга чиқишга чоғланди. – Бобоси ажойиб инсон бўлса керак, – деди қария. – Ёши ҳам улғурди. Қаранг, набираси билан кўчат экмोकчи экан. Бу ҳам савоб, ҳам тарбия.

У қўлидаги соатига бир қаради-да, давом этди:

– Мен бозорга қайтдим. Кўчат олиб, набираларим билан ўтказай. Мен ҳам кўчат бозорига бордим. Ховлимиздаги бўш жойларни чама-лаб, кўчат олдим. Дам олиш кўни набираларим билан кўчат экангандик, телефон жиринглаб қолди. “Хумсонвул” маҳалласидан Асатилла ака экан. У “Асатилла бог” фермер ўққалиги раҳбари. Кейинги йилларда ташландиқ ерларни ўзлаштириб, боғларини кенгайтиряпти. Тоқ, анор кўчатлари етиштириб, сўраганларга бепул тар-

(Давоми. Боши 1-бетда).

қатади. Менга кўнғирок қилгани – керак бўлса тоқ, анор кўчатларидан олиб кетишим мумкин экан. Бу савобталаб кишига ҳавасим келди.

Томорқада набираларим билан кўчат эканганди, Алибек бувамини (охиратлари ошад бўлсин) эсладим. У киши ҳам боғдорчилик билан шуғулланар, ёнғок кўчатлари етиштириб, мактаб, боғча, шифохона ва таниган-танимаган кишиларга бепул тарқатардилар.

“Умрингдан бир кун қолса ҳам кўчат эк” деган нақл беҳиз айтилмаган. 90 ёшли Қаюмбой ота тоқ экиб, ҳосилини тоқди. Алибек буваман тарқатган ёнғок кўчатлари ҳосил бериб, барча баҳраманд бўлмоқда. Бирга экиш учун набирасини кўчат олиб келишга юборган бобо нафақат фарзанду набиралари, балки кўпчиликка ўрнатқўрсатди. “Дарахт эккан савоб, уни бесабаб кескан гуноҳ”, дейди доно халқимиз.

Мана, кўнлар олиб, кўчат экиш палласи бошланди. Вояга етган бир тул дарахт тўрт киши нафас олиши учун етарли ҳавони тозаллаб беракан. Мевали дарахтларнинг ҳосили-чи?

Ҳадемай, қир-адирлар аввал яшил, сўнг турфа ранг табиий “матолардан гўзал либослар кийиб” борлиқни яшнатади, ёшартиради. Ўртимиздаги тўқин-сочинлик, тинчлик-хотиржамлик, эмин-эркинлик билан ўй-гун Наврўзи олам шоду хушрамликлари яқин. Турри, фаслар келинчаги Баҳор ўлкамизга расман таширф буоришга улғурди. Яна бироз сабр қолса, юзлаб, минглаб Қаюмбой оталар, набирасини кўчатга юборган табарруқ боболар, Алибек бувалар, Асатилла акалар, ташландиқ ерларни ўзлаштириб, боғларини кенгайтиряпти. Тоқ, анор кўчатлари етиштириб, сўраганларга бепул тар-

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жамбул ҚҮРБОНБЕКОВ.

Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

Сиз билан бизни ўраб турган олам шу қазар ранг-барангки, бу ҳолат яратиш, бунёд этиш учун ҳар қачон, ҳар қадамда кенг имкониятлар сари йўл очиб беради. Биз ҳам шу оламнинг кичик зарраси сифатида ҳар биримиз Ҳаёт аталмиш кундалик ижодиёт жараёнига қандайдир гўзаллик олиб киришга, жозоба бағишлашга интилиб яшаймиз. Тўғри, бу фоний дунёда шундай ҳузурбахш туйғудан йироқ кимсалар ҳам йўқ эмас.

Аммо, нима бўлганда ҳам ҳар бир инсон ўзини бағрига олган гўзал табиатга озми-кўпми, бир нима беради, албатта. Ва агар ўша инъом шодлиғу миннатдорлик изори бўлса нур устига нур. Агар ўша "бир нима" яратувчан меҳнат бўлса, атроф-борлиқ янада чирой очиб, гул-гул яшнайди. Она табиат эса, ҳаммасини кўради ва ёдида сақлайди. Кимнингдир марҳаматли кўллари билан экилган бир туп гулни ҳам, дайди итга отилган ҳар бир тошни ҳам.

Сир-синоатларга тўла бу кўҳна табиат озмунча ноёб ёдгорликларни, неча-неча асрлар юзини кўрган кекса дарактларни, улкан шаршараларни, баҳайбат тарихий тошларни бағрида асраб келаяптими! Ўзи тугилиб ўсган заминни пойи-пийёда кезиб чиқиш учун бир одамнинг умри етмайди. Шундай экан, ҳар бир ин-

сонга ўлчаб берилган умр муддати илм-билим, изланиш ва эзгулик йўлларида кечмоғи лозим.

Тошкент вилояти ноёб табиа-ти ва бой маданий мерослари билан фахрланишга ҳақли. Биз яқинда халқаро "Олтин мерос" жамғармаси вилоят бошқармаси Уғом-Чотқол давлат миллий боғи билан ўзаро ҳамкорлик қила бошлагани ҳақида ҳикоя қилган эдик. Бўстонлик, Паркент ва Охангарон туманларининг тоғли худудларини қамраб олган ушбу давлат миллий боғи тарихий, экологик ва маънавий маданиятнинг том маънодаги хазинасидир. Унинг худудида ўнлаб археологик ёдгорликлар, муқаддас қадамжолар, диққатга сазовор жойлар бор. Бу ерларда турли йилларда археологлар, сейсмологлар, ўрмон ҳўжалиги ходимлари ўзаро яқин ҳамкор-

ликда ишлашган. 60-йилларда Чотқол-Қурама, Шош-Илоқ ва Чорвоқ археология отрядлари бу ерларда тоғли туманларнинг қадимий ёдгорликларини ўрган-ди.

Қадимий Обираҳмат ёдгор-ликлари, Бурчмулла кўҳна ша-ҳар ўрни, ибтидоий Оқтош кўналғаси, Хумсон, Чимён ва Пскомнинг юқорисидаги қадимий конлар бугун Ўзбекистон маданиятини рўйхатга олиш ва асраш давлат реестрига кири-тилган.

Бироқ, Ватанимизнинг янада муҳим бир маданий бойлиғи бор. Бу – бизнинг мўл-кўл сув ҳавзаларимиз, шаршараларимиз, дарёларимиз. Бу бойликларсиз ҳаётимизни тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, ер юзида илк ҳаёт бошланган кунларданок инсонлар учун сув тирилик манбаи, ҳаёт-мамот масаласига айланди. Қадимги одамлар сув-га марсиялар ўқишган, унга си-ғинишган. Шарқ мамлакатлари

кексалари ҳар бир кунни нон ва сус учун Аллоҳга шукрона кел-тириш ва ҳамду санолар ўқиш-дан бошлашган.

Тошкент вилоятида тоғ булоқ-лари, кўл ва сойлар бехисоб. Уғом-Чотқол давлат миллий боғи ўзининг энг тоза ва мусоффо сувлари билан бебаҳо салоҳи-ятга эга. Унинг ҳавзаларидаги сувлар муқаддас ҳисобланади.

Уғом тоғ тизмаларининг бе-поён бағрида, 1550 метр балеанд-ликдаги яссиликда Ўринғочсой қумушдек товланиб ётибди. Ўзулмиги 660 метр бўлган бу гўзал сой қирғоқлардаги қудрат-ли қотшошларга урила-урила, ўз сувини Пском дарёсига "элтиб қуяди". Бу жойлар ниҳоятда тинч ва сокин.

Пском дарёсининг чап қирғо-ғидаги Бодақсой тепалиқларида, 1700 метр балеандликда Бодақ кўли бор. Бодақсой – жуда бой макон. Бу ерда кўплаб турли қуш ва ҳайвонлар яшайди.

Бундан ташқари, кўп қадим

йиллар илгари табиатнинг ўзи бу ерларда турли минераллар ҳосил бўлиши учун қулай шарт-шароитлар яратган. Утган асрда геологлар бу ерларда қарийб 20 йил давомида тадқиқот ишлари-ни олиб бординлар.

Улкан тоғлар билан ўралган, қояларини ёзда ҳам қор қоплаб ётадиган 2460 метр балеандлик-да Ихноч кўли жойлашган. Яна-да юқориқроқда – 2508 метр ба-ландликда иккинчи Ихноч ва 2724 метр балеандликда учинчи Ихноч кўллари бор. Бу учта кўл қанчалик улғувор бўлса, шунча-лик тилсимлики, турли даврлар сайёҳлари жуда қадим замонлар-да бу ерларда баҳайбат гавдали одамлар яшагани ҳақида ривоят-лар қилишган. Маҳаллий кекса-ларнинг айтишларича, ана шун-дай баҳодир гавдали уч ақа-ука бу ерда мангу макон топишган.

Ушандан буён минг-минг йиллар ўтди. Улкан қор тоғла-ри ҳамма йўллари тўсиб қолди. Ва жамики тирик жоннинг жон-

ланиш пайти келганда, борлик-ни сукунат қоплади. Ҳаёт тўхта-ди. Шунда уч паҳлавон тоғлар ҳукмдоридан ёрдам сўрашди. Ҳукмдор деди: "Сизларга юксак меҳр-шафқат кўрсатилди. Куёш қайта нур сочади, ўт-ўланлар жонланиб, атроф кўм-кўк тусга киради. Бирок, бунинг учун сиз, уч содиқ халоскор шу ерда бир умр мангу қолишингиз керак".

Уч оға-ини деди: "Ҳамонки, бошқалар учун қайта тирилик ато этилар экан, бундай хайрли воқеа олдида бизнинг ҳаётимиз нима бўпти!" Ва улар учта кўлга айланиб, шу жойда мангу қолиш-ди. Ушандан буён бу ерда таби-ат ҳудди ёздагидек бир ойгина гуллаб-яшнайди. Умуман, баҳор, ёз ва куз уч оға-инининг рамзи сифатида бор-йўғи уч ой ҳукм-ронлик қилади. Августнинг охи-ридан эса совуқ кунлар бошла-нади.

Бу ажойиб маскандаги ҳар бир кўл – ўзига хос муқаддас. Тоғ кишилари буни қайбларига

жо қилишган ва уларни авай-лаб-асрашади. Буюк она табиат ҳамма унсурларни мутаносиб-ликда тўтиб туради. Унинг қонунарини билиш ва ҳурмат қилиш яхшилик, ҳалоллик, пок-лик, ҳулоса қилиб айтганда, абадиёт тамойиллари асосида яшаш демокдир.

Тоғ жилғалари қияликлар бўйлаб пастга, одамлар томонга ошиқади. Ўнлаб, юзлаб тоғ жил-ғалари ва сойлардан бутун бош-ли дарёлар вужудга келади. Ва бу дарёлар бизга – одамларга ҳаётий куч-қудрат ҳаёда этади. Бу ерларда яшовчилар шу ҳаёт-баҳш сувдан ичиш ҳуқуқи ва бахтига эгалар. Овчининг тақки-бидан қочиб юрган жонотлар – суғурлар, қор қоплони, болала-рини сув бўйига бошлаб келган оху ва албатта, одам ҳам. Зеро, инсон ер юзида бошқа жонот-ларга нисбатан кўпроқ хайрли ишлар қилишга қодир.

Табиат айни гуллаб-яшнаган пайтда бизнинг экспедициямиз кўриқхоналарнинг тоғли сўқмоқ-ларида йўлга отланади. Бу – янги билим, табиатга янгича му-носабат сари янги йўл. Айнаш шу эзгулик йўли ҳаётимиз асоси ва мазмуни эканини унутмасак ба...

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,
халқаро "Олтин мерос"
хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИК ЖИҲАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИ (КЕЙИНГИ ЎРИНЛАРДА – СУД ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ СУД ХУЖЖАТЛАРИ ВА БОШҚА ОРГАНЛАР ХУЖЖАТЛАРИ БЎЙИЧА МОЛ-МУЛКНИ СОТИШ УЧУН САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ УЧУН САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ ЮРИДИК ШАХСЛАРИНИ ОЧИҚ ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

1. Умумий шартлар

Танлов ташкилотчиси – Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси.

Очиқ танловга суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни (кўчмас мулк ва автоматотранспорт восита-ларидан ташқари) сотиш билан боғлиқ хизм-лат кўрсатиш кўйилади.

Ўтказилаётган танловнинг мақсади – суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташки-лотларини танлаб олиш.

Танлов ўтказиш Комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия) томонидан танловда қатнашиш учун берилган ариза ва ҳужжат-ларни кўриб чиқиш Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси би-носида (Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек ту-мани, Темуր Малик кўчаси, 2-уй) 2014 йил 12 апрелдан ҳар куни 10:00 да бошланиб, 18:00 қадар амалга оширилади ва танлов на-тижалари бўйича голиблар аниқланади.

1) 2014 йил 12 апрель куни соат 10:00-18:00 гача Ангрэн шаҳри, Охангарон тумани, Олма-лиқ шаҳри, Юқори Чирчиқ тумани, Ўрта Чир-чиқ тумани ва Паркент туманлари бўйича;

2) 2014 йил 14 апрель куни соат 10:00-18:00 гача Бекобод тумани, Бекобод шаҳри, Бўқа тумани, Пискент тумани, Қуйи Чирчиқ тумани, Оққўрғон тумани, Чиноз туманлари бўйича;

3) 2014 йил 16 апрель куни соат 10:00-18:00 гача Чирчиқ шаҳри, Қйбрай тумани, Бўстон-лик тумани, Янгийўл тумани, Зангиота туман-лари бўйича танлов ўтказилиб, танлов нати-жалари бўйича голиблар аниқланади.

2. Танлов шартлари ва танлов голиб-ларини аниқлаш мезонлари

Танловда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган, турғун савдо шахобчаси ва назорат-касса машинаси мавжуд юридик шахслар қатнашишлари мумкин.

Қуйидаги юридик шахслар танловга қат-нашишга қўйилмайдилар:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банк-рот арасидада бўлган;
- олти ойдан кам муддат давомида фео-лият юритаётган;
- охириг 2 йил ичида ижро ҳужжатлари асосида қатланган мол-мулкни сотиш юза-сидан тузилган шартнома бўйича мажбури-ятларни бажармаган ёки лозим даражада ба-жармаганлиги сабабли шартнома бекор қилинган бўлса.

Танловда голиб чиқишнинг асосий мезон-лари:

- истемоълчи учун жойлашган жойининг қулайлиги (вилоят ва туман (шаҳар) марказ-лари, бозорлар ва ҳоказоларга яқинлиги);
- мол-мулкларнинг сақланишини, туркум-ланишини, сортларга ажратилишини ва бут-ланишини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг мавжудлиги;
- мажбуриятлардан ҳоли бўлган пул маб-лағлари;
- мавжуд яроқли техникаси;
- ходимларининг малакаси ва иш тажри-баси;
- кўрсатилган хизмат учун савдо чегирма-сининг пастлиғи.

3. Танловда иштирок этиш учун так-дим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар:

- Комиссия номига ариза;
- давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғри-сидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқлан-ган нусخаси;
- савдо ташкилоти таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- савдо ташкилотининг олдинги ҳисобот йили учун тегишли давлат идораларига бе-рилган бухгалтерлик баланси (1- ва 2-шакл-лар) нусхаси;
- савдо ташкилотида назорат касса ма-

шинасининг мавжудлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органларининг маълумотно-маси;

– савдо дўконига бўлган мулк (ижара) ҳуқуқининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳуж-жатлар;

– савдо дўконининг жойлашган жойи тўғри-сида маълумот, унинг қисқача тавсифнома-си ва 10х15 ўлчамдаги рангли фотосуратла-ри (жойнинг атроф кўриниши, умумий таш-қи ва ички кўринишлари акс эттирилиши керак);

– мол-мулкларнинг сақланиши, туркумла-ниши, сортларга ажратилиши ва бутлани-шини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг қис-қача тавсифномаси, шунингдек 10х15 ўлча-мадаги рангли фотосуратлари (жойнинг ум-вий ташқи ва ички кўринишлари акс этти-рилади) ва уларга бўлган ҳуқуқни тасдиқ-ловчи ҳужжатлар;

– савдо ташкилоти ходимлари ва улар-нинг иш тажрибаси тўғрисида маълумот;

– талабгорнинг мажбуриятлардан ҳоли пул маблаглари мавжудлиги тўғрисида банк маъ-лумотномаси;

– талабгорга тегишли ҳамда ижро ҳужжа-ти бўйича мол-мулкни сотишда иштирок эти-ши мумкин бўлган яроқли транспорт восита-ларига оид ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар ҳамда уларнинг техник тавсифи;

– кўрсатилган хизмат учун савдо чегирма-си микдори тўғрисида таклиф (10 фоиздан кўп бўлмаган).

Алоҳида турдаги фаолиятни амалга оши-риш учун рұхсатнома ёки лицензия талаб қилинган ҳолларда, шунингдек нотариал тас-диқланган рұхсатнома ёҳуд лицензиянинг нусхаси ҳам тақдим этилади.

Талабгорлар мазкур эълонда белгиланган баҳолаш мезонларини тасдиқлаш учун зарур бўлган бошқа қўшимча ҳужжатларни тақдим қилишлари мумкин.

Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар савдо ташкилоти номидан ҳаракат қилувчи вакил томонидан топишриладиган бўлса унда унинг ваколатларини тасдиқловчи ва тегиш-ли тартибда расмийлаштирилган ҳужжат бўлиши керак.

Аризга талабгор томонидан тақдим этил-ган ҳужжатларнинг рўйхати имзоланган ҳолда илова қилинади.

Юқорида белгиланган ҳужжатларнинг рас-мийлаштирилиши ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси қонунари талабларига жавоб бериши лозим.

4. Талабгорлар томонидан тақдим этилган ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш тартиби

Ариза ва ҳужжатлар Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси бино-сида (Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туман-ни, Тему́р Малик кўчаси, 2-уй, тел.: 263-53-15, 263-53-08) Комиссия ишчи органи – ҳуду-дий бошқарманинг статистика ва таҳлил бўйича сектори (инспектори) томонидан 2014 йил 7 апрель кунига қадар қабул қилинади.

Аризга илова қилинган ҳужжатлар шах-сан, курьер ёки алоқа бўлими орқали ёпил-ган конверт билан мазкур эълонда кўрсатил-ган манзил бўйича "Суд ҳужжатлари ва бош-қа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш бўйича танлови"га деган белги билан юбо-рилиши керак.

Алоқа бўлими орқали юборилган ҳужжат-лар ишчи орган уларни рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб келиб тушган ҳисобланади.

Белгиланган муддатда тақдим этилмаган ёки мазкур эълоннинг 2-банди 2-хатбошида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, тан-ловга тақдим этилган ҳужжатлар қайтарил-майди.

Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси танлов ўтказиш комиссияси.

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент вилояти Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар учун

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ»

ўтказмоқда

Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати марказида **"ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ"** дои-расида учрашувлар ўтказилади. Тадбиркор-лик фаолиятингизда учраётган муаммо ва

сизни қизиқтираётган барча савомларга жа-воб олишингиз мумкин. Учрашувда мала-кали соҳа мутахассислари иштирок этиб, муаммоларингиз ечим топишида амалий кўмак ва керакли йўл-йўриқлар беришади.

Шунингдек, ўзингизни қизиқтирган саволларга вилоят санитария-эпидемиология назорати марказининг 286-14-48 рақамли «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»га кўнгироқ қилиб ҳам жавоб олишингиз мумкин.

"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари (мулк-лар) тақдоран қўйилмоқда: 1. Бўстонлик тумани СИБ томонидан 13.11.2012 й. № 1-267-сонли ижро ҳужжа-тига асосан 1978 й. и.ч. "М 412 ИЭ" д/р. 10 X 213 АА. Бошланғич баҳоси – 552 457 сўм. Бўстонлик тумани Газалкент 2 "Мариам Текстиль Сервис" МЧЖ жарима майдонда сакланмоқда. Бекобод тумани СИБ томони-дан № 15372-сонли ижро ҳужжати асосан: 2. "Ўрал" русули мотоцикл д/р.сиз. Бошланғич баҳоси – 243 000 сўм. 3. "Ўрал" русули мотоцикл д/р.сиз. Бош-ланғич баҳоси – 243 000 сўм. 4. "Ўрал" русули мотоцикл д/р.сиз. Бошланғич баҳоси – 243 000 сўм. 5. Бекобод тумани СИБ томонидан № 25202-сонли ижро ҳужжати асосан 1987 й. и.ч. "Ваз-2106" д/р. 10 J 410 BA. Бошланғич баҳоси – 2 959 938,30 сўм. Бекобод тумани СИБ томонидан № 14510-сонли ижро ҳужжати асосан: 6. "Ўрал" русули мотоцикл д/р.сиз. Бошланғич баҳоси – 297 773,10 сўм. 7. "Ўрал" русули мотоцикл д/р.сиз. Бошланғич баҳоси – 297 773,10 сўм. 8. Бекобод тумани СИБ томонидан № 5249-сонли ижро ҳужжати асосан 1989 й. и.ч. "Моск-вич", д/р. 11 J 9813. Бошланғич баҳоси – 144 819,90 сўм. Бекобод тумани, "Ешик" ХХСҚда сакланмоқда. 9. Бекобод тумани СИБ томонидан № 115339-сонли ижро ҳужжати асосан 1987 й. и.ч. "Ваз-2106" д/р. 10 J 410 BA. Бошланғич баҳоси – 2 959 938,30 сўм. Бекобод тумани ИИБ ДАНБ жарима майдонасида сак-ланмоқда. 10. Қйбрай тумани СИБ томонидан № 7442-сонли ижро ҳужжати асосан 80400 дон "Дневной лапта ТЛ-Д 18 W", Бошланғич баҳоси – 129 401 388 сўм. 11. Қйбрай тумани СИБ томонидан № 7442-сонли ижро ҳужжати асосан 2300 дон "Дневной лапта ТЛ-Д 36 W". Бошланғич баҳоси – 4 106 052 сўм. Қйбрай тумани, Салар ш.ф.й., "ИНТЕР РОХАТ" қўшма корхо-насида сакланмоқда. 12. Бекобод шаҳар СИБ томони-дан 23.07.2012 й. № 7692-сонли ижро ҳужжати асосан 1984 й. и.ч. "Мобил 2140", д/р. 11 V 5694. Бошланғич баҳоси – 285 455 сўм. 13. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 03.01.2013 й. № 1-сонли ижро ҳуж-жати асосан 1981 й. "ДаймлерБенц", д/р. 20 P 4444. Бошланғич баҳоси – 31 146 213 сўм. 14. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 12.08.2013 й. № 7444-сонли ижро ҳужжати асосан 1978 й. и.ч. "Ваз-2101", д/р. 10 M 109 AA. Бошланғич баҳоси – 2 494 120,60 сўм. 15. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 12.08.2013 й. № 7440-сонли ижро ҳужжати асосан 1978 й. и.ч. "ИЖ 2125", д/р. 11 O 9497. Бошланғич баҳоси – 815

468,60 сўм. 16. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 05.11.2012 й. № 11308-сонли ижро ҳужжати асосан 1972 й. "Газ 24", д/р. 11 T 8238. Бошланғич баҳоси – 881 874 сўм. Бекобод Савдо" МЧЖ омборида сакланмоқда. 17. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 15.08.2011 й. № 10379-сонли ижро ҳужжати асосан 1991 й. "ДТ-75", д/р.сиз. Бошланғич баҳоси – 2 274 430 сўм. Зафар Қурилиш Инвест" МЧЖда сакланмоқ-да. Аукцион савдоси 2014 йил 25 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 18. Бекобод тумани СИБ томонидан № 1265-сонли ижро ҳужжати асосан 1978 й. и.ч. Ваз 21011, д/р. 11 F 824 DA. Бошланғич баҳоси – 1 877 000 сўм. 19. Бекобод тумани СИБ томонидан № 1266-сонли ижро ҳужжати асосан 1981 й. и.ч. Ваз 2102, д/р. 11 Q 412 CA. Бошланғич баҳоси – 2 018 000 сўм. 20. Бекобод тумани СИБ томонидан № 1263-сонли ижро ҳужжати асосан 1992 й. и.ч. Ваз 2102, д/р. 11 D 8212. Бошланғич баҳоси – 1 990 000 сўм. Бекобод тумани ИИБ ДАНБ жарима майдонасида сакланмоқда. Бекобод тумани СИБ томонидан № 18008-сонли ижро ҳужжати асосан: 21. Ўрал, д/р.сиз. Бошланғич баҳоси – 262 326 сўм. 22. Ўрал, д/р.сиз. Бошланғич баҳоси – 262 326 сўм. Бекобод тумани "Ешик" ХХСҚ майдонасида сакланмоқда. Аукцион савдоси 2014 йил 9 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари (мулклар) билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иш-тирокда бевосита ҳойига чиқиб танишиши мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар-дан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кўна-лиридан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатна-шиш истагиди бўлган талабгорлар автотранспорт воси-таси (мулк) бошланғич баҳосининг 10 фоизи микдори-дан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати асосан ишчи органга қўйилган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси (мулк) учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "SPARETRA" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 202080004687305001, МФО 011003 СТИР 301829604. Аукцион голиби сотиб олган автотранс-порт воситаси (мулк) қийматини 5 банк куни мобайн-да тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадор. Телефон: (8371) 212-89-55. Гувоҳнома № 004593.

"SHUKUR GRAND TRADE BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари (мулк-лар) қўйилмоқда: 1. Бекобод ш. СИБ томонидан 12.08.2013 й. № 7443-сонли и.х.га асосан 1978 й. и.ч. "Ваз21011" д/р. 10M109AA. Бошланғич баҳоси – 2494120,60 сўм. "Бекободсавдо" МЧЖ омборида сак-ланмоқда. 2. Пискент т. СИБ томонидан 02.08.2010 й. № 4613-сонли и.х.га асосан 1994 й. и.ч. "КамАЗ5320" д/р. 1129600. Бошланғич баҳоси – 1898619,24 сўм. Пискент тумани "Бунёдкор" МЧЖда сакланмоқда. 3. Пискент т. СИБ томонидан 19.09.2012 й. № 5893/5894-сонли и.х.га асосан 1978 й. и.ч. "Газ53" д/р. 11Х6605. Бошланғич баҳоси – 7962352,35 сўм. Пис-кент тумани ИИБ АМТФКМНБга қаршии жарима май-донда сакланмоқда. 4. Пискент т. СИБ томонидан 26.08.2012 й. № 6797-сонли и.х.га асосан 1982 й. и.ч. "АвтокранКС5625Ма5334" д/р. 11АС399. Бошланғич баҳоси – 5665751,55 сўм. Пискент тумани ПТЗ ОАЖ биносида сакланмоқда. 5. Пискент т. СИБ томонидан 12.08.2012 й. № 67228-сонли и.х.га асосан 1997 й. и.ч. "Матнум8940" д/р. 3002ЕД. Бошланғич баҳоси – 3867220 сўм. Пискент тумани Муротали К.ф.й.да сак-ланмоқда. 6. Бекобод т. СИБ томонидан № 1264-сонли и.х.га асосан 1987 й. и.ч. "Ваз2106" д/р. 11Е5411. Бошланғич баҳоси – 1

Кўргазма

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида анъаналар кўра Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган "Баҳор вернисажи" бадий кўргазмаси очилди.

БАҲОР
ВЕРНИСАЖИ

Экспонатлардан рассом аёлларнинг турли йўналиш ва жанрлардаги 300 га яқин асарлари ўрин олган. Уларда мамлакатимизнинг гўзал табиати, йил фасллари, турмуш тарзими акс этган. Таниқли ҳайкалтарош Людвиг Нестеровичнинг оддий тош парчасида образ яратилган, унинг кайфияти ва ички ҳиссиётини маҳорат билан очиб бергани томошабинни ҳайратга солади.

Вернисажда иҳодкор рассом, педагог Дилором Мамедова 140 га яқин асарлари билан қатнашмоқда. Рассом ижодининг асосий мавзуси Ўзбекистон манзараси, тоғли қишлоқларнинг сокин хонадонлари, кўчалари, жўшқин сой сувлари санъат ихлосмандларини бефарқ қолдирмайди. Экспозицияда рассомнинг "Байтқўрғондаги ховли", "Бурчмулла тоғлари", "Чирчик дарёси", "Чимён", "Ангрен", "Паркент", "Оқтош манзараси" каби ўндан ортиқ асарлари, шуниингдек Римма Гаглоева, Барно Сиддиқова, Муниса Ҳасанованинг "Сўқоқ манзараси", "Чотқол. Оқтош", "Оқтош. Қиңқирсой", "Хумсон" каби иҳод намуналари ўрин олган.

Намойишга қўйилган асарларда аёл иҳодкорларнинг чексиз фантазияларини, нозик дидлари, ўлкамиз табиятига меҳр-муҳаббатларини яққол ҳис этасиз.

Кўргазма 17 мартгача давом этади.
Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

Дзю-до

ГИЛАМДА ЖИГАРИСТОНЛИК ПОЛВОНЛАР



Ҳажвия

Бир вақтлар Назар муаллим: "Ҳурматилла, бу юришинг яхшимас, вақт борида ўқитгин, одам бўласан", деса қулоқ солмаганимни қаранг. Ёшим қирққа кирай деди-ю, тузқроқ касб-корим йўқ. Рўзор – гор, деб қўйибдилар. Бу ёғи бола-чақа, эчки-улоқнинг ташвишида тиним билмайдиган аёлимиз Худонинг берган кунини гингшигани-гингшиган. Шундай пайтларда ҳумори тугган ноҳақдек бошини қай кунжакка уришини билмай қоламан.

Одамга алам қиларкан. Қаерга ишга кирмай, ё уч ойда қавушини тўғирлашди, ё иссиғида ўзим жуфтани ростлаيمان. Айрим жамоатчилик ишларини ҳисобламаганда, "Меҳнат дафтарчамиз"да ўттиз саккиз идоранинг етмиш олтита ёзуви бор. "Келди"- "кетди". Бошқа гап йўқ.

Бу ёғини сўрасангиз, биз ҳам "улай-булай" одамларданмасмиз. Ишни йўлбод қишлоғидаги алоқа бўлимида "зиё тарқатишдан" бошлаганмиз. Ҳа, ҳа, топдингиз. Хунаримиз – газет-журнал, хат-пат ташиш. Қишлоқнинг номини эшитса самолёт тўхтайдиган-у, аммо асфальт кўрмаганининг ҳаммаси шу ерда эканига нима дейсиз? Кўчалар тунда зимистон, қишда балчиғистон. Юриб бўлсиз. Яна бу ердагиларни зиёнамоликка ўқитгани айтинг. Газет ташишга дастлаб ҳафтада бир борардик, йўл-ободликларнинг отасига минг раҳмат, юқорига шикоят қилмавериб, ҳар уч кунда қатнайдиغان қилиб қўйишди. Бунгаём майли, деб энди қўнқисак, айрим "газетхон"лар унамайди, денг. Нима эмиш, ҳар кун қиқадиган газетани ҳар кун ташиш керакмиш. Нима, олаётган тўрт тангамга ҳар кун ёзда тупроқ, қишда балчиқ ке-

чишим керакми? Ё йўлобда итим адашибдимми? Э-й, бор-е-е, дедим. Нарсаларимни йиғишларгаётам, газетдаги эълонга қўзим тушди. "Тахририятга қоровул керак. Ойлик маоши келишув асосида". Аллақайси тармоқ газетаси экан. Иш жойи ҳам пойтахтда. Бордим. Келишдик. Роса биз-боп иш экан-дэ, ўзиям. Ҳафтада беш кун бекорчилик, шанба-бозор – дам, уйга кетамиз. Душанба азонлаб етиб келсак бўлди. Зўр-а? Ҳар кун йўл демасиз, йўлқари демасиз. Камига хотиннинг "ғиш-ғиша"сидан узоқсиз.

Итнинг бошини тилла товоққа солса, думалаб тушган экан. Ҳеч бизга ўхшаган яланғоклар билан одамга ўхшаб сўрасанмайдиған раҳбаримизнинг бу тақаллуфидан эриб кетибман. Саломни қуюқ қилдим, ҳол-аҳвол сўрадим, бўлди эди, етарди. "Уртоқ муҳаррир, газетимизни яхшиламасанлар бў-мийди, кеча Байтқўрғондаги чойхонага кирсам, яп-янги сонини самоварга тутантириқ қилиб ёқияпти экан", дейишга бало боримиди?!

Раҳбаримиз сирқаси сув кўтармайдиганлардан экан, уч кун

қўллаб, қабристонга ишга кирволдим. Ҳар кунни ўттиз-қирқта гувала қуяман. Гўрковни ўзига ўхшаган меҳкай моллари бор. Олдиға ўт ўриб соламан. Тўй бор, аза бор, дегандек, вақти-вақти билан қўлимиз қуруқ қолмайди, ишқилиб.

Молбозордан иш чиқиб



ТИЛЛАЗОЙНИ
КЎРМАДИНГИЗМИ?

Афанди от миниб кетаёсса, бир таниши қўриб: "Хўжа Насриддин, эшикка киригин, чой-пой қиламиз", деб қўқонманзират қилиб қолибди. Афандининг ҳам қорни қоқи тусаиб турган эканми, "Отни қаёққа боғлай?" дебди. Бошига йўқ ердан ташвиш сотиб олган таниши: "Тилимга боғланг, тилимга!" дермиш.

Биб-бинойидек ишлаб турувдиган, тилим қурсин, қовун тушириб қўйдим. Янги иш ҳафтаси эди. Сахарлаб ишга келсам, кетимдан муҳарриримиз келиб қолди. Наҳор ошини ўтказиб келаяпти, шекли. Раҳбарнинг ҳурмати қилиб, қоровулхонадан чиқдим-у, расамади билан салом бердим. У кишининг кайфиятлари чоғ эканми:

– Ҳа, Ҳурматбой, ишлар қалай, энди? – деб қолдилар.

ўтмай жавобимизни берди. Тошкент сафаримиз қариди. Тавба, ман кўрганимни айтдим. Тўғри гап туққаннингга ёқмасакан-а...

Бир ҳафта уйда ётиб, бўларим бўлди. Иш-пиш бўлса суриштирай деб, маҳалла идорасига борсам, тўппа-тўғри янги "ишхона"нинг янги "раҳбари"га рўбарў бўлдим-ку! Қишлоғимиз гўрковни Норматсуяк расимизига "чарчаппам" деган эканми, оқсоқол мени кўрсатиб тайинлади:

– Мана сизга ёрдамчи. Қўли гул йигит, меҳнатдан қочмайди.

Норматсуяк мани кўриши билан афтини буриштирди.

– Бу бола ярамликин?

Билмадим-ов...

Жаҳлим қикди. Чўлоқ бўлсам, гилай бўлсам, нега ярамасаканман?!

Хуллас, оқсоқолимиз

қолмаганда, туппа-тузук ишлаб юргандим. Паттачиликка қизиқдимми, лип этиб ўша ерга ўтиб кетдим. Инсоф билан айтганда, бозор оти билан бозор экан-ей, оз бўлсаям, пичоғимиз мой устида турди. Аммо овимиз юрганда довимиз юрмади. Камбағали туянинг устида ит қолди. Бир кунни денг, бозор тарқамай туриб, тўрт киши усти ёпик, панжарали машинада келди-ю, бозоркомимизни босиб кетишди. Бизга тегишмаса керак, деб қишлоққа юривдик, бўлмади. Янги келган раҳбар "ҳай-далиш қуй"ни "ля"дан чалворди...

Бош омон бўлса, дўппи топилааркан. Хайтовур, кўчада қолмадик. Электр, газ, сўғурта, ахлат ташиш, ободонлаштиришга ўхшаган идораларда ҳам ризқимизни қидириб қўрдик. Ҳа, айтгандек, орада Сот-

волди молдўхтирга шогирд тушиб, қишлоғимиз сигирларига қўл солишгаям тўғри келди.

Хуллас, биридан укуним етмай, биридан омадим чопмай, яна биридан касофат тилимни деб, қувгин бўлдим. Мана, юрибмиз энди, тоза ҳавога қоровуллик қилиб...

Кеча келинингиз янги гап топиб қолди. Лўлимаҳаллада яшайдиган кичкина боҷамиз хусусий фирмачи оғибди. Номининг алламбалолигини қаранг – "Тем-терлат-пут". Қайдадир эшитганимиз, бу "темир-терсак, латта-путта оламан", дегани. Шуниси эшитдим-у, ҳафсалам пир бўлди. Ҳурматилла деган номимиз бор, энди бир ками маҳаллама-маҳалла юриб "ста-ара-веш-ши-и-ие" деб қиқчиришимиз қолувди...

Дарвоқе, анчадан бери қўзим учиб юривди, бекор эмас экан. Тунов кунни аллақайси банкда ишлайдиган қўшнимиз Тиллабой: "Сизбоп иш бор, ака, ишлайсизми?" деб қолди. Суриштирсам, тузуққинага ўхшайди.

Қисқаси, бўлғуси иш жойимиз аллақайси жамағарма кассасида экан. Вазифа ҳам айтирлик қийинмас. Биласиз, кассирлар пул санаётганда янглишиб кетмаслик учун бармоғини ҳўллаб туради. Кассир қизни шундоққина ёнига биронта гўлани қўйволиб, тилимини чиқариб ўтирсам бўлди экан...

Иш вақтимиз тушган пулларга қараб – йирик-роқ бўлса, пешинчага, юз-талик, икки юз-талик бўлса, кечгача чўзиларкан. Майли-да. Така бўлсин – сут берсин. Дарров рози бўлақолдим.

Фақат қоранг ўңғур Тиллабой: "Бўпти, гаплашамиз", деб шу кетганча, думини ушатмайди. Ишқилиб, алдамаган бўлсинда...

Муҳаммад АБЛО.



ТУНГИ КЛУБДА ОТИШМА

Американинг Огайо штати Фремонт шаҳридаги тунги клублардан бирида фожиа юз берди. Номалълум жиноятчи клубга кириб, уч кишини отиб ташлади.

Reuters агентлигининг ёзишича, ҳалок бўлганлардан бири полиция офицеридир. Маҳаллий ҳукумат агентликка берган маълумотларда таъкидланишича, жиноятчининг ҳужуми чоғида яна бир киши жиддий жароҳатланиб, шифохонага келтирилган.

Полиция ҳали жиноятчини қўлга ололгани йўқ. Шунингдек, у нима учун одамларга қарата ўқ узгани ҳам номалълум. Вазиятга ойдинлик киритиш ва жиноятчининг изига тушиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳодимлари воқеага гувоҳ бўлганлар билан суҳбат ўтказишмоқда.

МЕКСИКАДА НАВБАТДАГИ ЗИЛЗИЛА
Мамлакат соҳилларида 5,8 магнитуда куч билан ер силқиниши қайд этилди. АҚШ миллий геология хизмати шу ҳақда хабар тарқатди.

Мутахассислар зилзиланинг эпицентри Оахака штатида, Сантьягодан 37 километр жанубидаги Пинотепа Насиональ шаҳрида бўлиб, унинг ўчоғи 10 километр чуқурликда жойлашганини аниқлашди.

Ҳозирча табиий офат келтирган қурбонлар ёки вайронгарчиликлар ҳақида ҳеч қандай маълумот тарқатилмади.

НАРКОБАРОН РОСТДАНАМ
ЎЛДИМИКИН?

2010 йилда Мексика ҳукумати тарқатган эълонда йирик наркобаронлардан бири Насарио Морено ўлдирилгани қайд этилган. АФР агентлиги кунги кеча тарқатган хабарда эса Морено шу йил 9 март кунни ўлдирилгани баён этилган.

Бу сафар йирик наркобароннинг ҳақиқатан ҳам ўлдирилганини ҳукумат вакиллари тасдиқлашди. Бироқ, у қандай ўлдирилгани тўғрисида аниқ маълумотлар келтирилмади. Reuters агентлигининг ёзишича, Морено федерал хавфсизлик хизмати ҳодимлари билан отишма чоғида ўлдирилган. Маҳаллий нашлардан бири Моренонинг жасади суратини чоп этди. Reutersнинг таъкидлашича, жасадининг юз тузилиши ҳақиқатан ҳам Моренога жуда ўхшайди. Бироқ, маълумки, наркобаронлар қўлчан пластик жарроҳлик ёрдамида юз тузилишларини ўзгартириб турадилар.

Насарио Морено "Ла Фамилия" наркокартелининг асосчиси ҳисобланади. Кейинчалик бу ташкилот "Тамплиерлар ордени рицарлари" номини олган. 2010 йилда мамлакат ҳукумати Морено ўлдирилгани ҳақида хабар тарқатганда, унинг жасади топилмаган эди. Ўшанда наркокартель уя қурган Мичоакан штати аҳолиси Морено омон қолгани ҳақида гап тарқатганди.

«БОИНГ» ИЗСИЗ ЙЎҚОЛДИ

Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳридан Ҳоккин сари парвоз қилган «Боинг» самолёти паёга кўтарилгач, орадан бир соат ўтмай, ер билан алоқани узган.



Бироқ, алоқа нима сабабдан узилиб қолгани номалълум. Экипаж техник носозлик ёки фавқулодда вазиятлар ҳусусида ҳеч қандай хабар бермади. "Боинг" кўтарилган пайтда об-ҳаво ҳар жиҳатдан қулай эди. Самолёт бортида, 12 кишидан иборат экипаж аъзоларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 239 киши бўлган. Улар ўндан зиёд мамлакат фуқароларидир.

Алоқа узилиб қолган самолётнинг кейинги тақдирини ҳусусида ханузгача бирорта аниқ маълумот йўқ. Reutersнинг маълум қилишича, кутқарувчилар самолёт қисмати ҳақида ҳозирча ҳеч қандай маълумотга эга эмаслар. Афтидан самолёт юқори баландликда парчаланиб кетган. Экс ҳолда унинг қолдиқлари парчаси топилиши мумкин эди.

ҚОЧОҚЛАР СУВГА ФАРҚ БЎЛДИ

Яман соҳилидаги Аден ғарфсизда африкалик қочоқлар жойлашган кема ҳалокатга учради. BBC агентлигининг хабарига кўра, 42 киши ҳалок бўлди, 30 киши қутқариб қолинди.

Маҳаллий ҳокимият келтирган маълумотларга қараганда, сувга фарқ бўлган кемада асосан Эфиопия ва Сомали мамлакатлари фуқаролари бўлиб, улар Форс кўрфазини ёки Европа мамлакатларига йўл олишган эди. Яман муҳофаза вазирлигининг маълум қилишича, кеманинг

ағдарилиб кетгани фожиага сабаб бўлган. Айни пайтда мамлакатнинг қирғоқ кутқарув хизмати омон қолган қочоқларни излаб топиш билан шуғулланмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Жиноятга жазо муқаррар

БУГУНГИ БЕФАРҚЛИК ЭРТАГА ҚИММАТГА ТУШАДИ

Мамлакатимизда ёшлар манфаатларини янада тўлиқроқ таъминлашга, уларнинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлишини кафолатлашга ҳизмат қиладиган ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ва гоёвий-мафқуравий таъдбирлар тизимида амалга оширилмоқда. Амалий ишлар доирасида ёш авлодини ҳаёtgа қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсир ва оқимларга қарши тура оладиган, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш масалалари билан боғлиқ чора-тадбирлар юксак савияда амалга оширилмоқда.

Инсон онги ва қалби учун қураш глобал тус олган ҳозирги даврда бундай масалаларга эътибор берилиши бежиз эмас, албатта. Президентимиз таъкидлаганларидек: "Муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, тўхмат ва бўхтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунириш, ислом маданиятининг эзгу гоёларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда".

Республикаимизда муқаддас ислом динига қанчалик эътибор бериб, пок сақлашга ҳаракат қилинмасин, баъзи кимсалар уни бузиб кўрсатиб, ёшлар

римиз онгини захарлаб, бундан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга уринишмоқда. Ўрта чирчиликлик ака-ука Акбар ва Маҳаммад Маҳкамолар ҳам азал-азалдан одамларни яхшилик ва эзгуликка етакловчи ислом динини никоб қилиб, юртимиздаги тинчликка раҳна солмоқчи бўлдилар. Бирининг ёши 50, иккинчисиники 48 да бўлса ҳам ҳали оқу-қорани, нима яхшию нима ёмонлигини фарқлай олмаган бу кимсалар юртимизнинг амалдаги давлат тузумини Конституцияимизга ҳилоф равишда ўзгартиришга, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини қонунга ҳилоф тарзда бузишга ҳамқишлоқларини очикдан-очик даъват қилдилар. Шунингдек, ака-укалар фуқаро



ролар тотувлигини бузиш, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган ҳулқ-атвор қоидалари ва жамоат ҳаффе-сизлигига қарши қаратилган турли ҳаракатларни содир этиш мақсадида муқаддас ислом динидан фойдаланмоқчи бўлишган. Улар "Жиҳодчилар" диний экстремистик оқими гоёлари асосида туманда норасмий диний ташкилот тўзиб, ҳудуддаги етарли билимга эга бўлмаган фуқаролар онгини захарлашга ҳаракат қилишган. Халқимизда "бузоқнинг

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ	Манъилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. e-mail: th.tp@mail.ru	Телефонлар: Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс). Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08. Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59. Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.	Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририятини компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.	Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА Навбатчи Ҳасан САЪДУЛЛАЕВ Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎҲАЕВ
--	--	--	--	---	--